

ЛОЙИХА-СМЕТА, (КИДИРУВ ИШЛАРИ) ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 50

ФАРГОНА ШАХРИ

2022 ЙИЛ "16" июль

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Фаргонасувиризнишнинвест» ДМ номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи директори Ш. Юлдашев бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Fargonaumtadbirqurloyiha» масъулияти чекланган жамият номидан Низом асосида иш кўрувчи директор А. Абдурахмонов иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКсининг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқукий базаси тўғрисида»ги конуни, Курилиш меъёрлари ва коидалари (КМК 1.03.01) хамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид карорларига асосан лойиха-смета хужжатларини тайёrlаш ишларини бажаришта доир мазкур шартномани туздилар.

1.Шартнома мавзуси

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан “Фаргона вилояти Сўх туманинг “Газиев” МФЙ худудидан утувчи Сух даресининг 2,5 км узуниңдаги киргокларини мустахкамлаш” обьектининг лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса вилоят Молия бошкармаси томонидан обьектнинг вилоят Газначилик бошкармасидаги маҳсус хисоб ракамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда: 2022 й. «_____» кунги танлов хайъати йигилиши баёнига асосан олган холда жорий нархларда 134 500 000 (бир юз ўттиз турт миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади шундан муаллифлик назорати учун 500 000 (беш юз минг) сўмни ташкил этади ҚКС билан.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан 8 кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил _____ да буюртмачига тўлиқ топширилади

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чиқилиши мумкин эмас. қуйидаги холлар бундан мустасно: - курилиш қийматини кўпайтириш енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда:

- Ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3.Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва-барча ишларни тўлиқ хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан тасдиқланган КМК, ШНК ва бошка меъёрий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради хамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топширади;

3.2. Буюртмачининг руҳсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъкиланади.

4.Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли хужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш:

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш. Пудратчидан тугалланган ишларни қабул килиб олишни таъминлаш;

5.Тўловлар ва хисоб-китоблар.

5.1. Вилоят Молия бошкармаси томонидан обьектнинг вилоят Газначилик бошкармасидаги маҳсус хисоб ракамига маблағ ажратилганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 марта даги 139-сонли карори I-I-бандига асосан Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказади.

5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул килингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб колган холда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошкармаси томонидан обьектнинг вилоят Газначилик бошкармасидаги маҳсус хисоб ракамига маблағ ажратилгандан сўнг, молия йили тутамасдан обьект умумий шартномавий қиймати доирасида амалга оширилади.

5.3. Пудратчи бажарган ишларга мазкур шартнома бўйича мулк хуқукини ўзида саклаб қолади. Бажарилган ишлар Буюртмачига топширилгунга кадар тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

6.Ишларни бажариши

6.1.Пудратчи лойиха ишларига лойиха бош мухандисни тайинлади. Бош мухандис лойиха-смета хужжатлари КМК, ШНК ва бошка меъёрий хужжатларга мувофик ишлаб чиқилишини назорат килади, бажариладиган ишлар боскичларини келишади ва бажарилётган ишлар хакида Буюртмачига ахборот тақдим килиб боради. Лойиха-смета хужжатларини белгиланган муддатда, курилиш ишларини бажариш давомида муаммоли холатлар вужудга келмайдиган холатда, асосли хамда сифатли килиб Буюртмачига топширади.

7.Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари

7.1.Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажариласлиги табиат ходисалари ва бошка сингиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса, томонлар бундай мажбуриятларни кисман ёки тўлик бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

8.1.Томонлардан бирни шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган заарларни коплади:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошка қонун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкacha жавобгарликка тортилади.

8.2 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, тегишли дастур бўйича лойиха ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вактида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

8.3. Пудратчи ишларни ўз вактида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

8.4. Жарималарни тўлаш томонларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод килмайди.

8.5. Шартнома муддатидан олдин бекор килинган тақдирда, томонлар келишув далолатномасини тузадилар, унга кўра, Буюртмачи 10 кун тчида, далолатнома имзоланган вактдан бошлаб, Пудратчига қакиий харажатларини тўлаш шарт, ёки агар Пудратчи томонидан ўтказилган сумма Шартнома бўйича қакиий килинган харажатдан ошса, иккинчиси юкоридаги далолатномани тарафлар имзолаган кундан бошлаб 10 кун ичида фарқ суммасини қайташига мажбур бўлади.

9.Низоларни хал қилиш

9.1. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро хал этолмаса, улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда Фағона туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

10.Коррупцияга қарши қурашишга доир мажбурий шартлар

10.1.Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

-коррупцияга қарши қурашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган хар кандай ҳатти-харакатларни амалга ошириласлик;

-шу жумладан, пора таклиф килмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик килмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажариласлиги шарт;

-томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

-агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-харакатлари, шу жумладан коррупциявий хукукбузарликларни содир этганилиги хакида алока каналларига мурожаат килиши мумкин.

11.Шартномани бекор қилиш

11.1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли карорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга кадар архитектура-шарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб кайта расмийлаштирилмаганлиги аникланган ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганслиги маълум бўлиши).

11.2.Ўзбекистон Республикаси Иктисодий тараккиёт ва камбағалликни кискартириш вазирлиги хузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза килиш маркази” давлат унитар корхонасининг Техник топширикнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари кисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Пудрат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шахарсозлик хужжатларига ижобий хулоса берилмаган тақдирда.

11.3.Пудрат чиқиб шартномасини бажаришга ўз вактида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни

белгиланган муддатда тутатиш мумкин эмаслиги аник бўлиб колса. Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлик ва сифатли шаклда топширилгунига кадар истаган вактида шартномадан воз кечиши мумкин.

- 11.4.Шартномани бекор килишга карор килган томон иккинчи томонга ёзма равишда билдиришнома юборади.
- 11.5.Шартномани бир томонлама бекор килинишига йўл қўйилмайди.

12.Томонларининг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

«Буюртмачи»

“Фаргонасувқурилийнвест” ДМ

Манзил: Фарона ш. Ал-Фарғоний кўча №92 уй
Тел./факс: 73- 244-70-75

ШХР:

301821860304017049801170012

Ташкилотнинг СТИРи: 201 152 382

ИФУТ: 69 000

Фарона вилояти буйича Газначилик
бошкармаси

ЯГХ: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шахар
Бош бошкармаси Хисоб-китоб-касса маркази

(ХККМ) МФО: 00014 Газначилик

булинмасининг

СТИРИ: 20161222-010

Директор:

Ш.Юлданев



Ш.Юлданев

«Пудратчи»

«FARG ONAUMUMTADBIRQURLOYIHA» МЧЖ

Манзил: Фарона ш. Фаробий кўча 11/18 уй
х.р.: 2020 8000 5045 7673 9001

Банк: АТБ «ТуронБанк» Фарона филиали

МФО: 00 446 ИНН: 300 196 437 ОКЭД: 71120

Тел: (99891) 110-91-93 Факс:

Директор:

А.Абдурахмонов.

